



Ишчи, аскар ва дехкон депутатлари Советлари ўлка III съездининг материаллари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Съезд хақида «Наша газета» саҳифаларида турли хабарлар чоп этилган. Воқеа иштирокчиларининг эсдаликлари ҳам узук-юлук, тугал маъно бермайди. Туркистонда Совет ҳокимиятини эълон қилган бу съезд тарихшунослигимизда кам ўрганилган. Харҳолда, бизгача етиб келган материаллар шундан далолат бермоқдаки, съезд маълум даражада буюк давлат шовинизми руҳида ўтган. В. И. Лениннинг, марказнинг миллий масаладаги кўрсатмаларига амал қилинмаган. Ф. Колесов Ленинга йўллаган телеграммасида:

«Сизнинг барча йўл-йўриқларингизни амалга оширишни ўзимизга вазифа қилиб олдик. Бизнинг қўллаб-қувватлашимизга ишонаверинг» деса-да, аммо тесқари иш тутган. Бунинг III съездда йўл қўйилган қатор ҳатолар, нуксонларда ҳам қўриш мумкин. Масалан, унда қабул қилинган «Ўлка ҳукумати ташкил этиш тўғрисидаги декларация»да туб аҳоли, зиёли қучлар ўлка турмуши ва ҳаётини яхшилашда фаол қатнашишдан четлаштирилмаслиги, аксинча улар жалб этилиши, ижтимоий ҳаётга фаол аралашиши эътироф қилинганди. Аммо декларацияда бу муҳим эътирофни инкор этувчи бошқа фикр ҳам мавжуд эди. Чунинчи, ҳужжатда олий инқилобий ҳукумат идорасига ҳозирча мусулмонларни жалб этиш мумкин эмас, чунки маҳаллий аҳоли ишчи, аскар ва дехкон депутатлари ҳукуматига ўз муносабатини тўла ва аниқ ифода қилган эмас. Маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлари етилганича йўқ дейилганди. Шу тариқа 1917 йил ёзидан бошлаб ўлкадан вужудга келган мусулмон Советлари, мусулмон меҳнатқашлари иттифоклари ва уларнинг ишчи, аскар ва дехкон депутатлари Советлари билан ҳамкорликда олиб борган инқилобий фаолияти инобатга олинмаган. Қолаверса, бу вақтда инқилобий қурашда синалган маҳаллий миллатларга мансуб зиёлилар, ҳатто ишчилар, большевиклар гуруҳи ҳам мавжуд эди. Бунинг инқилобий ҳаракатнинг йирик арбобларидан бири Д. И. Манжара ҳам тан бўлган эди: «Туркистон ҳукуматининг биринчи таркибига биронта ҳам ўзбек, туркман, қозоқ ёки қирғиз қиритилмаганини қурултой қатнашчилари орасида муносиб номзодлар йўқ, деган баҳона билан оқлаш мутлақо асоссиздир».

Туркистон Ҷумҳурияси Давлат ва ҳукумат ташкилотларига маҳаллий миллатлар вакиллари жалб этмасликдан иборат шовинистик йўл сўнгги йилларда ҳам давом этди. Турор Рискулов, Назир Тўрақулов, Султонбек Хўжанов, Абдулла Раҳимбоев, Қайғисиз Отабоев, Иномжон Хидиралиев, Недирбой Ойтаков сингарилар Давлат ва ҳукумат бошқаруви идораларига 1920 йилдан бошлаб қўтарилган эди. Ўлкада фаолият

кўрсатаётган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси раислари ҳам факат европалик марказдан жўнатилган кишилардан тайинланган, ерли аҳоли вакилларидан эса бу ваколатли партия ва совет ташкилотларига жуда оз сонли одамлар киритиларди. Бунга эса токат килиб бўлмасди.

Совет ҳокимияти қарор топган дастлабки кунларданок большевиклар Туркистонда миллий сиёсат борасида жиддий камчиликларга йўл кўйганини бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин. 1917 йил — 6-7 декабрда Скобелев шахрида бўлиб ўтган Фаргона вилояти шўроларининг IV курултойида ҳозирги аҳвол, Туркистон мухториятига муносабат, вилоят ҳокимияти, вилоят Шўроси, матбуот нашри, мусулмон демократик кучларини вилоят ва ўлка ҳукуматида жалб этиш, вилоят кенгашини қайта сайлаш, жорий ишлар масалалари кизгин муҳокама қилинади, Ўлка Шўролари III курултойидагидек, бунда ҳам большевиклар кўпчиликти ташкил қилиб, эсер, меньшевик ва бошқа партиялар вакиллари фикрига қулоқ солишмайди. Шу курултойда Халқ Комиссарлари Кенгашининг барча халқлар ўз тақдирини ўзлари белгилаш, ҳатто Россиядан бутунлай ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги Петрограддан келган телеграмма ўқиб эшиттирилади. Вакил Х. Хусанбоев ўз сўзида мухторият яхши, аммо унга Таъсис мажлиси орқали эришиш керак, деб айтади. М. И. Подполяк: «Мен барча миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлиш тарафдориман, бинобарин, Тошкентдаги Шўролар ҳокимияти Туркистон мусулмон меҳнатқашлари оммаси манфаатини ифода қила олмайди, бу аҳволга чек қўйилмас экан, биз европаликлар ўлканинг ташқарисида қолиб кетишимиз мумкин», дейди. Меньшевик Данишевский: «... большевизм кўяётган вазифаларни уйдалаб бўлмайди биз бор имкониятни большевизм саҳнадан тушиб кетган чоғда ҳам инқилоб ғалабапарини сақлаб қолишимиз керак», деб таъкидласа, эсер М. Бризгайлов Кўкон мухториятини ёқлаб чиқиб, унга кўплаб мусулмонларни жалб этиш йўли билан бу ҳукуматни демократлаштириш мумкин, дейди. Дориомедов ҳам шу мазмунда гапиририб, курулой вакиллари Кўкон мухториятчилари билан қилишишга чақиради. «Буржуазия» ва «пролетариат» иборалари бирон нарсани тушунтира олмаслиги, улар вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини айтади. Подполяк ўз нутқида Кўкон мухториятчиларини ҳимоя қилиб, аввалги «Ҳокимият Советларга» шiori бутунлай йўқ бўлиб кетди, бироқ мухторият мусулмон ташкилотларининг ўлкани, вилоятларни уездларни идора этишдаги иштироки билан амалга ошириши мумкин. Муваққат мухторият ҳукумати мусулмонлардан иборат заминга эга бўлмаса ҳам, рус демократиясидан ўзига таянч топиши лозим, дейди.

Аммо бу сингари тўғри фикрлар курултой томонидан қўллаб-қувватланмасдан, большевиклар ва бошқа сўл кучлар тазйиқи билан Кўкон мухториятига қарши, ўлка Шўроларм III курултойи қарорини ёқлаб чиқувчи қарорлар қабул қилади. Мусулмон аҳолисига ишончсизлик курултойда шу даражага етиб бордики, Х. Хусанбоев қарорни. Бир гуруҳ мусулмон вакиллари учун унчалик тушунарли эмас, деб қайтадан овозга кўйишни таклиф этганида, унга қарши Реутов: «Мусулмонларга ҳеч қандай резолюцияни тақдим этишнинг ҳожати йўқ, чунки улар, барибир уни тушуниб етмайди», деб жавоб қилади. Бундай мисолни Андижон уезд-шаҳар ижрокўми таркиби мисолида ҳам кўриш мумкин.

Миллий сиёсатда йўл қўйилаётган ҳатоларнинг сабабларидан бири миллий кадрлар

етишмаслигида эди. Чунки кейинги 50 йил мобайнида чор мустамлакачилари ерли аҳолими сиёсий ҳаётга, давлат ишларини бошқаришга жалб этишга асло йўл қўймадилар. Мавжуд миллий кадрларни шовинизм, мустамлакачилик ҳиссиёти қучли бўлган европалик раҳбар кадрлар атай четлаштирадидлар. Мустамлакачилик сиёсати бошқача шаклда — «Советлар» никоби остида давом этарди.

1919 йил 29 март куни мусулмон вакиллари «Дашноқцутюн» арман инқилобий партияси Туркистон АССР Советларининг VII съезди ҳамда Туркистон Компартияси Марказий Комитети, Туркистон МИК номига норозилик хати топширади. Тўғри, бу ҳужжатда ерли раҳбар ходимларнинг дашноқлар ҳақидаги мулоҳазалари айнан эмас, шарҳланган ҳолда келтирилган. Шундай бўлса-да, 1918 йилда коммунистик партия сафига кирган, «Қўкон меҳнаткашлари Иттифоқи» раҳбари, Қўкон шаҳар Ижроия Комитети ва Фарғона вилояти партия комитети аъзоси Мирзараҳмон Мусахонов анжуманда Қўкон воқеаларининг сабабчиси арманлар бўлди, чунки улар ўша пайти нукул арок сотиш билан шугулландилар, деган эди. Наманганлик большевик Иномжон Низомбоев «Дашноқцутюн» партиясини қуролсизлантириш йўли билангина мусулмон аҳолисини ҳалокатдан қутқазиб қолиш мумкин, деб ҳисобласа, вакил Садилов: мусулмон коммунистлари ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида қалъа сари жўнаганларида йўлда қизил гвардиячилар томонидан ўққа тутилди, икки коммунист ўлдирилди ва ўлганлар устига қалбаки қарточка қўйилиб, гўё уларни босмачилар ер тишлатганига ишонтирмоқчи бўлдилар, дея таъкидлайди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети ҳамда Ҷумҳурият Фавқулодда Комиссияси аъзоси Х. Хусанбоев ўз сўзида: «...ўз қуролимиз билан ўзимизни қирмоқдалар, ҳатто мусулмон пролетариатининг гоёвий қурашчиларини ўлдириб юбориш учун душманлар қўлига тутиб бермоқдалар», дейди. Яна бир вакил Қирғизбоев Наманган ёнидаги Балиқчи қишлоғида, асосан арманлардан тарқиб топган қурухнинг тинч аҳолига нисбатан зўравонлик қилганини далиллар билан исботлашга уринади.

Дашноқларнинг ерли халққа ўтказаятган зўравонлиги ҳақидаги масала бошқа йигинларда ҳам қўтарилган эди. Наманган Совети буйруғига қўра, шубҳали одамларни қўлга олиш учун Самсон Давидянц Қўкон воқеасидан қўп ўтмай ўз қурухини Учқўргонга етаклаб келади. Аммо у бу қурухи билан талончилик қилади, мусулмонлар устидан зўравонлик ўрнатади. Аҳолининг қонуний талабига биноан С. Давидянц вазиқасидан озод этилади, қурухи эса тарқатиб юборилади. Шундан сўнг у Андижонга қелиб, Андижон Совети қуҳсати билан янги бир бўлинма тузади. Бу ерда ҳам қатор ноўрин ишларни амалга оширади. Унинг жинойтлари қош этилиб, қибсга олиш ва судга беришга қарор қилинган, дарҳол яшириниб, қонуний қазодан қутулиб қолади. Шу боисдан Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В. Д. Фигельский 1918 йил 8 декабрда Андижон шаҳар коммунистлари йигилишида қилган маърузасида Андижон, Наманган, Қўкон Советлари Тарқибда дашноқлар борлигини қескин танқид қилади, уларни тез орада Советлардан қувиш, Советларга арман ишчиларидан жалб этиш қерақлигини айтади. Мангелдин ўз нутқида Наманганда арманлар пайдо бўлиши ҳамоно ўзбеклар билан арманлар ўртасида қожаро қелиб қикди, дейди. Сайдиқултон Сайдалиев Фарғона босмачилар тўдалари ҳеч қачон қазавот эълон қилганлари йўқ, бу ҳақдаги миш-мишларни арманлар, «Дашноқцутюн» партиясидагилар тарқатмоқдалар, деб изох беради.

Туркистон Советлари VII съезди миллиятлар иши бўлмиш аъзоларининг деярли ҳаммаси

«Дашноқцутюн» партияси, умуман арманларнинг барчаси Фаргонада Совет хокимиятига хоинлик қилиб, босмачи тўдалари ташкил этиб, мусулмон аҳолисикинг халок бўлишига сабабчи бўлди, деб таъкидлайдилар.

1919 йил апрель ойи бошларида Андижоннинг Жоме мачитида кўпнинг кишилиги меҳнаткашлар митинги бўлиб, унда босмачилар, дашноқлар азобидан қутулиш масалалари муҳокама этилади, Жумҳурият Марказий раҳбариятига Андижондаги дахшатли воқеаларни етказиш ва унга қарши курашда ёрдам талаб этиш мақсадида митингда Акбар Ёрозалиев, Мухтор Олимов, Мадаминбек Битбеков, М. Шарифхўжаев, Ёқубжон Исакуловдан иборат комиссия тузилади. Улар Тошкентга келиб Андижон уездидаги аҳволни ёзма ва оғзаки равишда юқори партия ва Совет органлари раҳбарларига маълум қиладилар.

Фаргона фронтини тугатиш, мусулмон камбағалларини босмачилар тўдаларидан ажратиб олиш ва уларни Советлар хокимияти томонига жалб этиш, бунинг учун эса Эргаш, Мадаминбек, Холхўжа бошлик босмачилар тўдаларида иштирок қилаётган барча мусулмон меҳнат аҳлига авф бериш, уларнинг Совет хокимияти тарафига ихтиёрий ўтишини таъминлаш, хавфсизлиги учун тўла қаролат бериш, вайрон бўлган хўжалиқларини тиклаб олиш учун моддий ёрдам кўрсатиш зарурлиги РКП(б) Ўлка комитети ва Ўлка коммунистлари мусулмон бюросининг 23 апрелдаги қарорида ўз аксини топган. Шунингдек, унда Совет ташкилотларини ёт унсурлардан тозалаш, Кизил Армия қисмларида тозалов ўтказиш, уларни игвогар, фитначилардан халос этиш, «дашноқцутюн»чиларни ҳайдаб юбориш ҳам белгиланган эди.

1919 йил 9 майда Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг «Босмачилар тўдаларида қатнашган Фаргона меҳнаткаш аҳолисига авф бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилинади. Андижонлик вакиллар талабига кўра Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси К. Е. Сорокин (комиссия раиси) миллатлар иши бўйича халқ комиссари С. Турсунхўжаев, РКП(б) Ўлка Мусулмонлар Бюроси раиси Т. Рискулов, Туркистон Марказий Ижроия комитети аъзолари Х. Хусанбоев, В. Билик, Аббосхўжаевдан иборат қарорловда комиссия тузилади.

Комиссия Фаргона водийсида қатта қаролат кўрсатиб, партия, совет ва ҳарбий муассасаларни ёт унсурлардан тозалаш, дашноқларга зарба бериш, мусулмон аҳолиси билан расмий ҳукумат ташкилотлари муносабатларини яхшилаш, миллий кадрларни бошқарув ишига қенг жалб этиш борасида талай ишларни амалга оширди. Улар Қўқон, Маргилон, Скобелев, Андижон, Наманган, Ўшда бўлишиб, митинглар, мусулмон коммунистларининг йигинларини ўтказиб, партия, Совет қурилишида, босмачилар ва дашноқларга қарши курашда қатта ташкилотчилик ишлари олиб бордилар. Аммо халқнинг адолат ўрнатиш борасидаги кураши шу билан тўхтаб қолган эмас.

1919 йил 12 майда Андижон шаҳар мусулмон коммунистларининг умумий йигилиши бўлиб, унинг қўқон тартибига:

1. Марказий-ўлка ҳукумат вакиллари маърузаси;
2. Мусулмон Совети ташкил этиш;
3. Партия дружинаси ташкил этиш;
4. Коммунистлар мусулмонлар фракциясига назоратсиз Марказ ва телеграф орқали алоқа боғлашга эришиш;
5. Қарорчи тўдаларни тугатиш борасида қарорлар кўриш;

6. Вилоят конференциясига вакиллар сайяш;

7. Митингни белгилаш тўғрисидаги масалалар кўйилган эди.

Йигилишда нотиклар Фарғонада, жумладан Андижондаги огир ахвол сабабларини очишга ҳаракат килдилар. С. Турсунхўжаев Совет ҳокимияти гоёси, большевизм мезонларини тушунтириб, Фарғонада Советлар таркибида порахўрлар ўрнашиб олгани, оддий мусулмон омма большевикларни боскинчилар, талончилар деб билаётганини айтади. Большевизм никобини кийиб олиб, амалда аҳолини талаётганлар Совет идораларидан қувилмоғи зарурлигини таъкидлайди. У: «Сизларнинг вакилларингиз Тошкентга келиб, Фарғонадаги ахвол манзарасини чизиб бердилар, мусулмон пролетариати билан маҳаллий ҳукуматнинг ўзаро муносабатларидан хабар топгач, биз бу ерда рисоладагидек ҳаёт ўрнатиш учун етиб келдик. Вакилларингиз нима айтган бўлса, ҳаммаси тўла ҳақиқат эканлигига гувоҳ бўлдик, токи Фарғона мусулмон пролетариати учун муносиб шарт-шароит яратмагунимизча биз бу ердан кетмаймиз. Сизлар коммунистлар ташкилоти сифатида аллақачон безорилар билан курашиш чорасини кўришингиз лозим эди, амалда эса Сизлар коғоздаги ташкилотгина бўлиб қолгансиз», дейди.

С.Турсунхўжаевнинг коммунистлар фракцияси йўлтўсар, қарокчиларни тугатишда ҳеч қандай иштирок этмаяпти, деган сўзига А. Ўрозалиев шундай жавоб беради: «Бу борада фракцияни айблаш мумкин эмас, чунки бир неча бор ҳукумат аъзоларига бизларни қуроллантириш зарурлигини ва боскинчиларга қарши курашда иштирок этажамиз тўғрисида мурожаат қилганмиз, аммо бу таклифларимизга ҳукумат заррача эътибор бермади».

С. Тўхтабеков ўз сўзида А. Ўрозалиевни маъқуллаб, Турсунхўжаевнинг мусулмон большевиклари боскинчилик ҳаракатини тугатиш учун қоралар кўрмаяпти, деган фикрига қўшилмайди. Янги шаҳардаги большевиклар мусулмон большевикларига ишонмаслигидан, умумий офатга қарши курашдан тўлаллигича четлаштириб қўйилдик, шу боисдан ўлка комиссарининг бизга билдирган таънаси ўринсиздир, деб айтади. Иброҳимов ҳам бу фикрни маъқуллаб: «Турсунхўжаевнинг бизга қилган таънаси ўринсиздир, биз ҳукуматга бир неча бор мурожаат этиб, шаклланиб келаётган боскинчилик ҳаракатларини тугатиш учун қоралар кўришни талаб қилдик. Аммо номаълум сабабларга кўра, ҳукуматдагилар бирон чора кўрмадилар. Янги шаҳардаги ўртоқларнинг бизга ишонмаганлигини исботлаш учун бир воқеани келтираман. Андижон шаҳрининг катта оксоқоли Мирали Умарбоев митингларнинг бирида Кўкон қишлоқда боскинчилар томонидан ўлдирилган 170 кишининг мурдасини топиб қелишини айтиб, ўз йигитларини ҳукумат қуроллантиришини илтимос қилди. Бунга ҳам ҳукуматдагилар ишонмадилар, таклиф қайтарилди. Большевикларни байналмилалчилар деб атайдилар, агар бу тўғри бўлса, уни озик-овқат бўлимида текшириб кўриш керак, шундагина байналмилаллика риоя қилинган бўлиши мумкин. Большевиклар боскинчи эмас, талончи ҳам эмас, чунки улар сафида жуда кўп инсофсиз, ярамас одамлар бор, улар Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш байроғи остида қабил ишлар қилмоқда», деб айтади. С. Тўхтабеков қайтадан мусулмон Совети ёки инқилобий кўмита ташкил этиш зарурлигини таъкидлаб, ахир Андижон уезди қишлоқларидаги аҳоли на боскинчиларга, на Совет ҳокимиятига бўйсунганини билмаяпти, деб айтади. (Андижон вилоят давлат архиви, 196-фонд, 2-рўйхат, 189-иш, 191—195-бетлар). Афсуски, талон-торож, зўравонликни ўз кўзи билан кўраётган халқ большевикларга ишонмай қўйган эдилар.

Жойлардаги совет кўшинлари штаблари таркиби ҳам мутлак европаликлардан иборат эди. Масалан, Андижон штабида (1919 йил 4 апрелдаги ҳолат бўйича) штаб бошлиги В. Н. Сидоров, шаҳарни мудофаа қилиш бошлиги Александровский, коммунист-большевиклар фракцияси раиси А. П. Салаев, штаб аъзолари эса Гроссман, Айдинов, Козлов, Корсанов, Висоновлар эди. Ўз-ўзидан савол тугилади: ўлка қимни қўзи?

Туркистонда ленинча миллий сиёсат бузилиши, маҳаллий аҳолининг ҳар жihatдан қамситилиши, кадрлар масаласида европаликлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатларнинг ёққлиги Туркистон миллий раҳбар кадрлари томонидан бир неча бор марказий партия ва ҳукумат раҳбарларига билдирилган эди, Афсуски бу гал ҳам ҳеч қандай чора қўрилмаган.

1919 йил 7 май куни В. И. Ленин хинд миллий-озодлик ҳаракати арбоби, профессор Муҳаммад Баракатуллони қабул қилади. У Москвага афгон амира топиригига қўра норасмий визит билан қелган эди. Сухбат РСФСР ва Афғонистон ўртасида, дўстона муносабатлар ўрнатиш имқониятлари, Шарқдаги аҳвол тўғрисида борганди. Афтидан ўзаро фикр алмашув чоғида Туркистондаги аҳвол масаласи ҳам қўтарилган. Чунки М. Баракатулло Москвага бораётиб, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлиб, Туркистонда рўй бераётган воқеалар билан анча қизиққан. Шу боисдан М. Баракатулло 9 майда «Туркистондаги қенг мусулмон оммани Совет ҳокимияти томонига огдириш мақсадида бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳақида мулоҳазалар» ёзган. Уни айнан қелтирамиз, чунки бу ноёб ҳужжат ҳам Туркистоннинг огир қисмати қи маълум маънода қўз ўнгингизда гавдалантиради. «Ўртоқ Ленин билан учрашган пайтда, мен унга Шарқ бўлимининг мудирини ўртоқ Вознесенский ҳамда Туркистон мухтор вақили ўртоқ Юсупов иштирокида Марказий Осиёнинг қенг мусулмон оммасини Совет ҳокимияти томонга огдириш, мусулмонларнинг Туркистондаги рус ҳокимиятига азалий ишонқисизлиги ва Совет бошқарувининг моҳияти юксак вақифаларини тушунмаслик оқибатида қелиб қикадиган қайғули воқеалардан ўзимизни асраш учун қималар қилиш қерақлиги борасидаги ўзимнинг самимий фикрларимни билдирдим.»

Қимил ишонқ билан айтаманки, тавсияларим орқа томонни муқтаҳқамлаш учун Афғонистон, Хиндистрн, ҳамда Эронда инглизларга қарши фаол ҳаракатлар бошлангунга қадар амалга оширилиши зарур.

1. Туркистонда этнографик негизда ҳақиқий мухторият ўрнатиш зарур. Бунинг учун Туркистон жумҳурияти тўққиз ички мухтор вилоятдан иборат бўлиши қерақ:

1. Қавқаз-орти.
2. Самарқанд, Амударё бўлими билан бирга,
3. Сирдарё,
4. Фарғона,
5. Ёттисув,
6. Тўрғай.
7. Оқмўла,
8. Семипалатинск,
9. Қуйи Ўрал, Букеев ўрдаси билан.

2. Мусулмон аҳолисининг руслардан анча қўплиги туфайли мақкур вилоятлар Советлари

таркибига ҳеч бўлмаганда мусулмонларнинг руслар билан тенг даражада киришига йўл қўйиш; комиссарларнинг ҳам ярми мусулмонлардан бўлиши керак.

3. Хар бир вилоят ўзининг ички бошқарувида мухтор бўлиши керак.

4. Туркистоннинг Марказий бошқаруви ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети тенг иштирокида тузилади; ярми рус, ярми мусулмон.

5. Хозирги пайтда тузилган Туркистон ишлари бўйича комиссия беш кишидан эмас, ўн кишидан иборат бўлиши керак, айти пайтда вакиллик нисбати ҳам сакланиши зарур; бежрус ва беш мусулмон кириши лозим.

6. Шу йилнинг бошида нодонлик туфайли ёки ёвуз ташвиқот оқибатида аксилинкилобий характерларда иштирок этган Кўкон аҳолиси ва туркистонлик ерли аҳолига авф инъом этиш зарур. Кўконга мазкур авфдан аҳолини хабардор этиш ҳамда сўнгги бошпанасидан ҳам айрилган жабрдийдалар ўртасида таркатиш, вайрон қилинган хўжаликни тиклаш учун бироз пул маблағини (бунинг учун зарур маблағ, фикримча, ўн миллион сўмни ташкил қилади) тақсимлагани махсус шахс юборилиши керак.

7. Юкорида тилга олинган барча тадбирларни иложи бўлса, ўртоқ Ленин ҳамда Сталиннинг Марказий Осиё мусулмонларига мурожаати тарзида тантанали эълон қилиш зарур. Бу улкан таассурот уйғотади ва мусулмонларда кўркинч тугдирадиган, уларнинг қалбида Совет сиёсатининг самимийлигига ишончсизлик уругини сочадиган империалистик фитналарга бутунлай барҳам беради.

Юкорида баён этилганларни қараб чиқилиши ва умумий иш манфаатида чора-тадбирлар белгилашини илтимос қиламан».

М. Баракатулло 1919 йил 9 май, Москва.

1919 йил октябрида Андижон мусулмон йўқсиллари номидан Ёкубжон Исокулов, Султонмаксуд Холботиров, Илья Григорьевич Смирнов (ижрокўм раиси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзоси), Латифжон Содикбоев ва бошқалардан иборат вакиллар Тошкентга келиб, Фарғонада, хусусан Андижон уездида юз бераётган гоятда огир сиёсий-ҳарбий, миллий аҳвол ҳақида жумҳурият партия ва Совет раҳбариятига ёзма баённома топширадilar. 1 ноябрда Ўлка партия кўмитаси ижроия бюроси, Туркистон Ўлка мусулмонлари бюросининг андижонлик вакиллар иштирокидаги йиғилиши бўлиб, унда баённома кенг муҳокама этилади. Унга Т. Рискулов раислик қилади. Йиғилиш Фарғонадаги огир аҳволни эътиборга олиб, бу ерда мустаҳкам сиёсий ҳукумат йўқлиги, ҳарбий ҳокимият маҳаллий шароитни, миллий муҳитни ҳисобга олмасдан ўзича салбий ишлар юритаётганидан келиб чиқиб, Ҳавқулодда инқилобий кўмита ташкил этишга қарор чиқарди. Инқилобий кўмита Фарғона вилоятида ўтказиладиган барча тадбирларга раҳбарлик қилиш, Совет ташкилотларини назорат ва тафтиш этиш, бу ташкилотларни, ҳарбий қисмлар сафини. Советларга қарши аксилинкилобий унсурлардан тозалаш, шароит тоқазо этса Советларни таркатиб юбориш ҳарбий мансабдор шахслар билан биргаликда фронтни тезроқ тугатиш, ҳатто айбдор, бўйсунмовчи шахслар, муассасаларни ҳарбий судга, инқилобий трибуналга бериш ҳуқуқига эга эди. Афсуски, Ҳавқулодда инқилобий кўмита ҳам ўз ҳуқуқларидан тегишлича фойдалана билмади. Амалий натижа кўплар қутгани қаби чиқмади. (Қаранг: Т. Рискулов. Революция и коренное население Туркестана. Ташкент. 1925, 109—110-бетлар).

Босмачилар бошликлари билан яраш битими тузиш тўғрисида олиб борилган

музокаралар ва уларнинг материаллари ҳам кенг оммага етказилишини ўринли,-деб хисоблаймиз. Чунки улар билан танишган ўқувчи бизнинг фикрларимиз курук эхтиросдан иборат эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Совет Армияси Марказий Давлат хужжатгоҳининг 110-фонди, 1-рўйхат, 15-ишида Наманган уезд-шаҳар инкилобий кўмита аъзоси Имомжон Низомбоевнинг 1919 йил 19 декабрда Мадаминбек билан олиб борган музокарасининг тафсилоти ҳақидаги баённомаси сақланмоқда. Уни айнан келтирамиз: «Ревком томонидан берилган топширикни бажариш учун беш вакил билан биргаликда 19 декабрь эрталаб Намангандан Жийдақапа кишлоғи орқали Андижон уездига Хожимат эшон хузурига йўл олдик. Дарёдаги кўприкчага ҳеч кимни учратмадик. Кайикда дарёдан ўтгач, бир неча қурулти кишиларга дуч келдик. Улар Бойтуманнинг йигитлари экан. Улардан бири Бойтуманнинг ахволини сўради. Яхши юрибди, деган жавоб олгач, йигитлар бизга Бойтуман Парвардигори оламга ишонмайдиган худосизларга кўшилди, деди. Салла ўраб олган бўлсам ҳам йигитлар шахсан менга хайвонга қарагандек назар солишди. Андижоннинг у тарафидаги бутун қирғоқ пахта тойлари билан тўшиб ташланган. Дарёдан ўтгач, Хожимат эшоннинг хузурига жўнадик, бироқ у киши уйда йўқ экан. Йўлда унинг ўғлига дуч келдик.

У билан бориладиган жойга қундузи соат 4 ларда етиб бордик. Етиб келиб уловимизни тўхтатдик, бироқ аравадан тушмадик. Мачит олдида тумонат одам йигилганди. Сал қурсат ўтиб қурулланган йигитлари билан кўрбоши келди, унинг ёнида қандайдир ўрис ҳам бор эди. Уни мен Наманганда кўрмаганман. Бизни мачит ёнидаги хужрага таклиф этишди. Хужрада ўтирганимизга ярим соатлар бўлганда даврада ўтирганлар ворис келяпти, деб қолишди. Ташқарида қарнай-сурнай чалинади. Хужрадан ташқарига чиққанимизда кўлида яланғоч қилич тутиб олиб одамларга эсларини йигиш, имондан айрилмаслик ҳақида ваъз айтиб келаётган мулла йигитни кўрдик. Унинг ортида от миниб Эшон ҳамда 4-5 нафар афғон қеларди. Уларнинг баъзилари ҳарбийча қийинган; баъзилари эса чопон қийиб олган эди. Тантанани кўриб бўлгач, хужрамизга қайтиб кирдик. Қелганлар қўшни хужрага жойлашишди. Халқ ворисни ҳамда Эшонни тўлкинланиб, тиз чўкиб, уларнинг ҳоқи қойи, тўнларининг барини ўпиб қутиб қолишди. Эшон билан бирга қелган қимлигини сўраган эдик, афғонистонлик ворис деган жавоб олдик. Мачитда шовқин-сурон авжига чиққан, қуй-наво тинмас эди. Эшонга Намангандан элчи бўлиб қелганимизни етказгач, у киши бизни ховлига таклиф этди. Салом-алиқдан сўнг у кишига ташрифимиз боисини аңлатиб, яхшилаб қенгашиб қолиш истагимизни билдирдик. Эшон ҳоли бўлган захоти хузуримизга ташриф буюришини айтди. У киши кеч соат еттиларда хужрамизга қириб келди. Мен у кишига ҳозирги аҳвол ҳақида гапирдим, ақлга тўғри қелмайдиган йшлар бўлаётганлиги, бекорга қон тўқилаётганини айтдим, қелишдан мақсадимни тушунтирдим.

Совгаларни ва ревкомнинг хатини топширдим. Эшон хатни ўқиб беришни илтимос қилди. Мен у кишининг илтимосини бажардим. Шундан сўнг Эшон хатни мендан олиб, жавоб қилиб олиб қолди. Хат ўқилаётганда Эшон уни диққат билан, хатто йиглаб туриб эшитди. Эшон хатни олиб туриб менга унинг мазмунини тушундим, агар мусулмонлар бирлашса нур устига нур бўларди, деди. «Бекнинг хузурига борамиз, унга ҳаммасини айтиб берасизлар», деди Эшон. Биз рози бўлдик, Бизга таом қелтиришди. Дастурхон устида Бек хузуримизга қирзосини юборганини эшитдик. Эшон билан бир бор маслаҳатлашиб, боришга қарор қилдик. Эшон бизнинг тўла ҳавфсизлигимизга қафиллик берди. «Бек сизларнинг бир туқингизга зиён етказишдан олдин менинг ва ўн икки ўғлимнинг бошини

олади», деди Эшон. У кишининг маслахати билан келтирган совгаларимиз — кўй ва читларимизни олиб, икки йигит кузатувида аравада йўлга чикдик. Эшон билан афғонистонлик ворис от миниб олдинда кетишди. Бек Эшон турган жойдан 8 чакирим нарида, Коратерак кишлогида манзил тутган экан. Бирок йўл лой бўлиб, коронгида аравада юриш мушкул бўлганлиги туфайли унинг кўп кисмини пиёда босиб ўтишга тўғри келди. Манзилга кечаси соат 12 да етиб бордик. Йўлда, деярли хар чакиримда 3—4 куролли коровулга дуч-келдик. Улар хар гал бизни тўхтатиб сўрок килишди. Биз етиб келган саройда 40—50 отга кўзим тушди, Айвоннинг ичида анча одам тўпланган эди, бирок аник канчалигини айтолмайман, чунки зимистон эди. Биз Бек яшайдиган болахонага кўтарилдик, у бизга пешвоз чикиб хонасига таклиф этди.

Хонада биздан ташкари Хожимат эшон, афғонистонлик ворис ва яна бир киши бор эди. Ўтирганимиздан кейин афғонистонлик бизнинг кимлигимизни суриштирди. Бизнинг муллалар учовимиз мулла, икковимиз бой бўлиб, Наманган ахлидан вакил эканимизни айтишди. Бек: Хукуматнинг вакили ким? деб сўради. Мен турдим ва ревкомнинг раисимисиз деган саволга йўк аъзосиман, деб айтдим. Бек кескин, захархандалик саволлар берди. Муллаларимиз келишдан мақсадларини баён килишди. Мен сўз сўраб хозирги ахвол хакида гапира бошладим, бирок Бек сўзимни кесиб, сиз мусулмонга ўхшаш учунгина салла ўрагансиз, деб таъна килди, тапга уста экансиз, лекин гапга чечан одамлар бизга эмас, большевикларга керак, деб айтди. Мени ўзларингизга кўшилишни, сизлар билан ярашишни таклиф этиб келибсиз, деб давом этди Бек, шартларингиз ва неки истагингиз бўлса айтинг. Мен шу кунларда Мусулмонлар яхши яшаётганлигини, ок-пошша давридаги ўзбошимчаликлар йўклигини айтдим. Шурулар йўк килингани, 2 европалик ва 2 мусулмондан иборат ревком тузилган ишлар изга тушаётганини билдирдим. Бек айнан ким ревкомга кирганини сўради: мен бирма-бир айтдим. Менга хамрох бўлган муллалар ревкомга кирганини, у ердан жуда яхши таассурот билан чикишгани, ўзлари билан хушмуомала, дўстона ва эътиборли муносабатда бўлишганини айтишди. Ревком шариат буюрганига карши бормаслиги ва бу масалага аралашмаслигини айтганда, Бек большевиклар ваъдани кўп беришади-ю, лекин ваъдаларининг устидан чикишмайди, ана, улар завод, пахта, молларни олиб кўйишяпти, нима, бунга шариат йўл берадими, деб муллаларга мурожаат килди, Муллалар йўк деб жавоб кайтаришди. Мен Бекка жуда кўп моллар, от-аравалар, ем ва бошка нарсалар тортиб олинган, бу олдин бўлган эди, бу ишни хукуматда ўтириб олган безори ва жинойтчи унсурлар килишган, ундайлар энди хукуматдан бадарга килинган, уларга карши ўзимиз кураш олиб боряпмиз, ноўрин тортиб олинган нарсаларни кайтариб бераяпмиз, бахосини тўлаяпмиз, мусодара этилган, тортиб олинган нарсаларни кайтиб бериш хакида декрет бор, дедим. Шундан кейин Бек большевикларнинг каттаси Ленин хибсга олингани, иттифокдаги 12 давлат большевикларга карши юриш килаётганлиги, ўзлари бу ердан туриб уларга ёрдам беражagini изхор килди. Бек Наманганга озик-овкат олиб боришни такиклаш хакида буйрук берганлиги, уч кун олдин хориждан шу хакда телеграф оркали топширик ва кўрсатма олгани, иттифокдаги бошка давлатлар хам большевикларга хеч нарса бермасликка қарор килишганини айтди. Мен Туркистонда барча кулфатлар биз бир-биримизни тушунмаётганлигимиз туфайли юз бермокда, деб эътироз билдирдим. Бек менинг бу гапимга мужмал жавоб кайтарди. У: «Сизларнинг Николайларингиз ўлди — уларнинг фукаролари кайси партияга, кайси миллатга тегишлилигидан ва бошка нарсалардан катъи назар меросхўр бўлиб қолди. Николайдан кўп бойлик, курол,

аслаха-анжом, тўп ва хоказолар колди. Биз бу ерда 95 фойздан кўпрокмиз, бироқ ўзимизнинг бутун ҳакимизни сўраётганимиз йўқ ана шу бойликнинг ярмини берсангиз ҳам майли, сизлар ўз конунларингиз билан яшайверинг, биз эса шарият бўйича яшаймиз. Аммо сизларнинг килаётган ишларингиз бутунлай бошқача. Ахир бир отанинг ўн ўгли бўлиб, улардан учови ақллию колганлари майиб-мажруҳ бўлса, меросхўрлик коидасига кўра мерос уч ўгилга эмас, ўнига ҳам тенг бўлиниши керак-ку, большевиклар эса ҳаммасига эгалик қилишни истаяпти, ҳаммасини ўз қўлларига олишяпти. Мен ўрислар ва европаликларни ўлдираман, деб ҳаёлимга келтирмаганман, бундай ниятни ҳаёлимга келтирмоқчимасман. Уларнинг икки мингдан ортиги қўл остимда хизмат қилади. Аскарларингизга канча маош берасизлар?» деб сўради Бек. Мен аниқ билмайман-у, лекин минг атрофида бўлса керак, рўзгор тебратишига етади, дедим. Бек икки минг тўлашини айтди ва мендан канча оласиз, деб сўради. Мен 1130 сўм деб айтдим. Бек бунга бир ойдан кейин қонғоз пул билан эмас, тилла танга билан тўлаш имкониятига эга бўлиши, ҳеч нарсага муҳтож эмаслиги, муҳтожлик сезган тақдирда қўшни давлатлар истаган миқдорда етказиб бериши ҳақида эътироф этди. Агар мен сизларга, Шўро ҳукуматига қўшилсам, сизлар менга қандай ҳуқуқ берасизлар, деди-да, давом этди: ахир мен сизларга ўтган кўрбошиларга ўхшаб большевикларнинг хизматқори бўлиш, уларнинг этигини артиш учун қўшилмайман-ку. Сизлар менга нимани ишташларингизни ёзма равишда баён этинг. Мен ҳам ўз шартларимни ёзма равишда етказаман. Мен шартнома тузиш учун эмас, суҳбатлашиш учун юборилганимизни айтдим ва Бекдан Наманганга ўз вакиллари юборишни, уларнинг ҳавфсизлиги учун қафиллик берилишини айтдим. Бек одам бермаслиги ва юбормаслигини айтди. Бўлиб ўтган ҳамма гапларни ревкомга етказишимни сўради ва бизга қўшилган тақдирда қандай ҳуқуққа эга бўлиши ҳақида ёзма ҳабар қутишини билдирди. «Коммунистларингиз ва ёшларга айтинг, қуролли ёки қуролсиз бизга қилиб қўшилсин, — деб давом этди Бек.

— Уларни афғонлар, борию бунга унашмаса оқибати ёмон бўлади. Мабодро шаҳарга борсак, уларни чавақлаб ташлаймиз». Мен, яхши, етказаман, дедим. Афғонистондан келган вакил тожикча, Бекка большевиклар билан мусулмонларнинг фойдасига битимга қилишни сўради, Бек бунга розилик бергандай бўлди.

Суҳбатдан сўнг Хожимат эшон Бекдан бизни ўзи билан бирга олиб кетишга ижозат беришини сўради. Бек меҳмон бўлиб ётиб қилишга зўрлади, Эшон бунга қўнмади, Бек ўн отар милтиқни олиб қилиб, менга кўрсатди. Бу тур қуролдан яқинда 25 минггача олишини, тўпи бўлмаса ҳам 17 пулемёти борлиги, яқинда тўпик ҳам бўлишини айтди.

Эрталабгача, қилинган, қўлимиздаги қуролдан қандай олишимизни кўрсатамиз, деди у. Биз танишиб олдик, ҳудо хоҳласа тез-тез учрашиб туришга умид қиламиз, йигитларингиз бизга тегишмади, деди. Сизлар Эшоннинг ҳузурига келганда кўрбошилар менга ҳабар етказган ва қайтаётганларингизда ушлаш керакми, керак эмасми — сўрашган эди. Лекин буйруғимсиз сизларни ушламаслигини тайинлаганман. Бек бизга ўз муҳри билан эркин юриш ҳуқуқини берадиган ёрлик берди. Бек эрталаб Низомиддин Хўжаев илтимоси билан Скобелевга қайтаётганлигини айтди. Бек билан ҳайрлашиб, Эшонни қилиб келдик, афғонистонлик вакил Бекни қилиб келдик. Эшонни қилиб соат бешда етиб қилиб, саккизга қадар дам олдик, сўнг қонғозга ўтирдик. Эшон билан суҳбатдан у ҳолис одам эканини аниқладим, бироқ Бек 12 иттифокдош давлатга ишониб, уруш олиб бормокчи. Эшон Бекдан шаҳарга озиқ-овқат ўтказишга руҳсат беришини илтимос қилди. Эшон қайсидир қишлоққа боришга қайтаётган экан, мендан қўнмади-ми, деб

сўради. Мен ҳеч ким сизга тегинмайди, дедим. Эшон нонуштадан кейин хайрлашаётиб, менга зарбоф тўн кийдирди. Муллаларга эса минг сўмдан пул совга килди. Кайтишда дарёни кечиб ўтдик ва Янгикўргон оркали шанба куни шомда Наманганга етиб келдик». Кўриниб турибдики, хужжат «босмачилар» уруш тарафдори эмаслигини кўрсатади. Улар юртда осойишталик ўрнатмокчи. Оддий инсоний ҳуқуқлар тикланиши тарафдори. Ерли халкка ўтказаетган зулмлари учун Шўро ҳукуматига ишонишмаяпти. Айрим большевикларнинг хатти-ҳаракати ерли аҳолининг газабини кўзгамоқда. Бу ҳол куйида келтириладиган хужжатда ҳам ўз аксини топган.

Фарғонадаги бутун босмачилар Бош кўмондони Шермат Шўро Туркистони раҳбарияти билан сулҳ ҳақида музокара олиб бориш учун ташаббус кўрсатади. Шўролар ҳукуматига қарши қурашиб келаётган Шерматнинг бу ташаббуси Фарғона аҳолининг ҳақли талаби натижаси эди. Жумҳурият раҳбарияти унинг таклифига мувофиқ Фарғонага келиб, Шермат билан очикчасига музокара олиб боради, «Фарғонадаги вайронагарчилик, уруш етарли эмасми? Сиз нимани талаб этасиз?» деган саволга у шундай жавоб қайтарган: «Тўғри, биз Фарғонанинг тикланиши ва тинчлик қарор топиши тарафдоримиз. Аммо сизларнинг ҳукуматингиз гоёлари Туркистон жумҳурияти учун яроксиздир ва маҳаллий аҳоли ҳаётига татбиқ қилиб бўлмайди». «Туркистон жумҳуриятида тинч ҳаёт қарор топиши учун сизнинг фикрингизча нималар қилиш керак?» деган саволга Шермат биринчи навбатда савдога йўл қўйиш, жойдан-жойга қўчиш эркинлиги, конфискация ва реквизицияларни тақиқлаш, шариат асосидаги судни жорий этиш, вақф ерларни эгаларига қайтариб бериш», деб жавоб қилади.

Бу қаби фикрлар юқори расмий доираларда ҳам айтилган, эътироф этилган эди. Лекин большевиклар бошбошдоклигини тугатишга оммавий қиришилмади.

Туркистон вакиллари раиси Хусаин Иброҳимовнинг 1919 йил 24 ноябрида В. И. Ленин, Я. М. Свердлов номига ёзган хати ҳам натижасиз қолиб кетганди. Ўша хатда РКП(б) Туркистон мусулмон бюроси жуда қисқа муддатда 200.000 кишилик мусулмон қизил армияси ташкил этишни ўзига вазифа қилиб олгани, бунинг учун марказ зарур қурол-аслаҳа ҳамда иложи борича, мусулмонлардан иборат қомандирлар билан таъминламоғи зарурлиги айтилган эди.

Уни Туркистон Марказий Ижроия Қомитети ҳам ижобий маъқуллаган эди. 12 банддан иборат талабаларни Туркистон вакиллари ҳукумат томонидан бажарилишини илтимос қилган эдилар. Улар РКП(б) Марказий Ижроия қомитетининг 1919 йил 12 июлдаги («Туркистондаги раҳбар ташкилотларга мусулмон аҳолиси билан европали аҳолини мутаносиблик асосида жалб этиш» ҳақидаги) радиограммасида илгари сурилган гоёлар назарда тутилган ҳолда билдирилган эди.

Шарқ халқлари қоммунистик ташкилотларининг II Бутунроссия съездида, РКП(б) Бутунроссия VII конференциясига ҳамда Бутунроссия Советлари VII съездида борган Туркистон жумҳурияти вакиллари — П. Кобозев, Х. Иброҳимов, Отарбоев, Бисеров, Х. Хусанбоев, Б. Иванов, А. Мухитдинов (вакиллар қотиби А. Қинги) 1919 йил 15 декабрида Москвада туриб, РКП(б) Марказий Қомитетига, В. И. Ленинга ёзган баённомасида «Босмачилар — бу Советлар VII съездида қадар Туркистон ҳукуматининг нотўғри миллий сўёсати натижаси ўларок шаклланган партизанлардир, деб баҳолаган эди. Ўша хатда Туркистонда миллий масалада йўл қўйилаётган қатор ҳатолар қўтариб қикилган эди. Улардан бири Туркистон мухторияти масаласи эди. «1918 йил 1 майда миллатлар иши бўйича халқ қомиссари ўртоқ Кобозев томонидан Сталин радиограммасига мувофиқ Мухтор жумҳурият эълон қилинди. Туркистон Советлари VI

съездида ишлаб чиқилган ва ўша йилнинг 15 октябрида қабул қилинган Туркистон Конституцияси РСФСР Конституциясининг деярли ўзгинаси эди». Бунга кўра, Туркистон мухторияти Совет Россияси Федерацияси таркибидаги жумҳурият бўлиб, ўз фаолиятини Бутунроссия Марказий Ижроия комитети билан тўла мувофиқлаштириб иш кўриши кузда тутилганди. Туркистон Конституциясига эса Бутунроссия Советларининг 1.11 съезди тасдиқлаган «Россиянинг меҳнаткаш ва эксплуатация қилинган халқлари ҳукуки Декларацияси» ва Бутунроссия Советларининг V съездида кўриб чиқилган «РСФСР Конституциясининг умумий низоми» асос қилиб олинган эди.

1919 йилнинг май ойидан то октябрь ойигача ўтказилган Туркистон Коммунистик партиясининг III ва IV съездлари, мусулмон коммунистларининг I ва II конференциялари, Советларнинг VII ва VIII съездларидан кейингина Туркистон жумҳуриятини тўғри йўлдан олиб бориш, меҳнаткаш оммани РКП(б) шiorлари остида бирлаштириш, РСФСРда ҳокимиятни марказлаштириш гоёси амалга ошаётгани айтилганди. Бунинг рамзи сифатида Турккомиссия келиш қуни шарафига Туркистонни истило қилган генерал Кауфман хайкали ўрнашган жойда РСФСР байроғи тантанали равишда кўтарилди. Юкорида саналган съездлар ва конференцияларда Совет ходимлари Туркистонни ҳалок қилувчи унсурлардан ҳалос этиб, низоларга барҳам бергани айтилган эди. Лекин РКП(б) Марказий Комитетининг 12 июлдаги вакиллар мутаносиблиги ҳақидаги радиogramмаси маҳаллий халқ маъкеини узил-кесил мустаҳкамлади ва шу вақтдан бошлаб, Туркистон жумҳурияти «соғлом» йўлга чиқди. Туркистонда Совет ҳокимияти мезонларини тугатиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил бўлинди, Партия VIII съездида қабул қилинган РКП(б) дастурида маълум халқ меҳнаткашларининг Совет ҳокимиятига ишончсизлигига чек қўйиш учун миллатидан қатъи назар, барча имтиёзларни тугатиш, миллатларнинг тўла тенгҳуқуқлигини таъминлаш, мустамлака ва тенгҳуқуқли миллатларнинг ажралиб чиқиб, ўз Давлатларини тузиш, эзувчи миллатлар пролетариати томонидан эзилувчи миллатларга жуда ҳам эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, маълум миллатлар меҳнаткашлари оммасидаги миллий ҳиссиёт сарқитларига алоҳида эътибор бериш қабил вазифаларни Туркистонда амалга ошириш жуда оғир бўлгани эътироф этилган эди.

Барча вилоятлар, уездларда бўлиб ўтган анжуманлар, йигилишлар баёнларида ҳам юкорида айтилган ҳақсизликлар ҳақида гап боради. Буни 1921 йил 13 январидаги Наманган шаҳар партиясизлар конференциясида сўзга чиққан Нуриддин Кориев маърузасида ҳам кўриш мумкин. Нотик таъкидлашича, мусулмон меҳнаткашлари энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлганлар, турмушнинг қайси соҳасига кўз ташламайлик, ҳамма жойда икки хил ўлчов бор: бири европаликлар учун, бошқиси эса мусулмон аҳолиси учун. Ширкат ва озик-овқат идораларида озик-овқатлар аксарият европалик аҳолига берилган, мусулмонлар оммаси эса тўқ европалик аҳоли кўз ўнгида очлик азобини тортиб ўлиб кетаверган. Мактаблар, театрлар ва барча маданий муассасаларнинг аксарияти европалик аҳоли учун очилган ва ишлаб турган.

Мустамлакачилик сиёсати натижаси ўларок туб аҳоли орасида Совет ҳокимиятига қарши қучли норозилик тугилди. Бундан эса бой ва мулкдорлар фойдаланиб, чекка, узок қишлоқларда ўз атрофига норози унсурларни, қолоқ оммани ҳатто қабагаларни тўплаб олиб, миллий озодлик байроғи остида «босмачи» тўдаларини уюштирдилар ва аввалига майда, кейинчалик эса йирик гуруҳларга бирлашиб, Совет ҳокимиятига қарши қураш бошлаб юбордилар.

Рустам ШАМСИДДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,